

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЗБУЛЛАЕВА ГУЛЧЕҲРА ВАЛЕРИЕВНА

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА XII АСР ОХИРИ –XIV АСРНИНГ БИРИНЧИ
ЯРМИДА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР РИВОЖИ
(дидактик асарлар мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of the doctor of sciences (DSc)

Избуллаева Гулчехра Валериевна

Марказий Осиёда XII аср охири – XIV асрнинг биринчи ярмида педагогик фикрлар ривожини (дидактик асарлар мисолида) 3

Избуллаева Гулчехра Валериевна

Развитие педагогической мысли в конце XII века – первой половине XIV века в Центральной Азии (на примере дидактических произведений) 31

Izbullaeva Gulchekhra Valeriyevna

The development of pedagogical ideas at the end of the 12th century and the first half of the 14th centuries in Central Asia (on the example of didactic works) 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 64

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЗБУЛЛАЕВА ГУЛЧЕҲРА ВАЛЕРИЕВНА

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА XII АСР ОХИРИ –XIV АСРНИНГ БИРИНЧИ
ЯРМИДА ПЕДАГОГИК ФИКРЛАР РИВОЖИ
(дидактик асарлар мисолида)**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.DSc/Ped273 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Қаҳҳоров Сиддик Қаҳҳорович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Олимов Ширинбой Шаропович
педагогика фанлари доктори, профессор

Ибранмов Холбой Ибрагимович
педагогика фанлари доктори, профессор

Наврўзова Гулчехра Нетьматовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «26» декабр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (294 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87).

Диссертация автореферати 2022 йил «15» декабр куни тарқатилди.
(2022 йил « » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).


Б.Р.Адизов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.
А.Р.Жўраев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, п.ф.д. (PhD), доц.
Х.О.Жўраев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д. (DSc), доц.

КИРИШ (диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда фан-техника ривожланаётган асрда замонавий ижтимоий муҳитга дахлдор глобал аҳамиятга эга тараққиёт босқичларининг долзарб масалалари юксак маънавий кадриятлар замирида ўз ечимини топади. Дунёнинг илғор мамлакатлари учун кундан-кун улкан илмий мерос ҳамда таълим-тарбиянинг ўзаро бир-бирини тўлдирувчи имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мавжуд маънавий-маърифий салоҳиятни мувофиқлаштириш етакчи ўринни эгалламоқда. Бой маданият ва қадимий тарихни, маънавий ва миллий мероснинг ҳалигача ўрганилмаган кўпгина қатламларини очиб беришга йўналтирилган илмий тадқиқотларни ҳар томонлама чуқур тадқиқ қилиш ва уларнинг тарғиботига алоҳида эътибор қаратиш бугунги кун учун долзарб аҳамият касб этади.

Дунё илм-фанида айнан Марказий Осиё мутафаккирлари томонидан яратилган қимматли манбаларни ўрганишга асосланган лойиҳалар, илмий тадқиқотлар олиб борилаётганлиги кузатилмоқда. Таълим-тарбия мазмунидаги беқиёс манбалар ЮНЕСКОнинг Маданий мерос рўйхатидан ўрин эгаллаган. Шунингдек, Россия, Германия, Франция, Буюк Британия, Испания, Миср, Ҳиндистон, Эрон, Туркия каби хорижий мамлакатлардаги кутубхоналарнинг «олтин фонди»да кўплаб қўлёзма шаклидаги Шарқ дурдона асарлари сақланмоқда. Шундай бўлса-да, Марказий Осиё халқлари бебаҳо меросининг бугунги жаҳон тараққиётидаги улуши бор кўлами билан ҳали ҳам тўлиқ ўрганилмаган ва шу туфайли маънавий мероснинг дунё аҳли учун деярли очилмаган жиҳатларини баҳолаш зарурати ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад қилиб белгиланган бир даврда улуғ мутафаккирларнинг маънавий мероси асосида ёш авлодни уларнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш муҳимдир. Чунки «Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак... Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак»¹. Ушбу ёндашув таълим тизимининг юксак чўққиларга чиқишига амалий дастурдир. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мазмунида «Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият» концепциясини амалга ошириш ҳамда ўзбек халқининг миллий кадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш, кенг оммалаштириш ҳамда ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бунинг учун фикр тарбияси, миллий ва умуминсоний кадриятлар тарбиясини ташкил этиш, халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва кадриятларига таяниш, илмий-назарий ва комплекс тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

¹Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2021. – Б.225.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2995-сон, 2018 йил 14 августдаги «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3907-сон, 2019 йил 3 майдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4307-сон, 2020 йил 6 ноябрдаги «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4884-сон, 2021 йил 26 мартдаги «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-5040-сон, 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналишга мувофиқ амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Марказий Осиёда XII аср охири – XIV асрнинг биринчи ярмида педагогик фикрлар ривожини ўрганишга бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг UNRISD – United Nations Research Institute For Social Development, ISCA – The Islamic Supreme Council of America Archived, University of Maryland, Harvard University (АҚШ); Institute of Arab and Islamic studies University of Exeter, Cambridge University, The Institute for Cultural Research, The Idries Shah Foundation (Буюк Британия); Arabic and Islamic studies at the University of Marburg (Германия); Turkish Ministry of Culture Mevlana Museum (Туркия); Cairo University (Миср); University of Tehran (Эрон)да олиб борилмоқда².

Дунёда XII аср охири – XIV асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёда педагогик фикрлар ривожини тадқиқ этиш орқали турли даражадаги илмий натижалар олинган. Жумладан, Шарқ маънавий меросининг бугунги кун учун долзарб ҳисобланган жиҳатларини ўрганиш орқали ижтимоий фаол

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.unrisd.org/>; <https://www.islamicsupremecouncil.org/>; <http://sllc.umd.edu/>; <https://harvardartmuseums.org/>; <https://www.harvard.edu/>; <https://socialsciences.exeter.ac.uk/>; <https://www.divinity.cam.ac.uk/>; <https://idriesshahfoundation.org/>; <https://ora.ox.ac.uk/>; <https://www.uni-marburg.de/>; <https://www.ktb.gov.tr/>; <https://cu.edu.eg/>; <https://ut.ac.ir/> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

фуқарони тарбиялаш (ISCA – The Islamic Supreme Council of America Archived); турли халқлар, шунингдек Марказий Осиё халқларининг тил, адабиёт ва маданиятини тадқиқ этиш (University of Maryland); Ғарб шарқшунослигида маънавий мероснинг таржима ва шарҳи Рейнолд Николсон ва Артур Орберри мактабининг вужудга келиши (Cambridge University); Идрис Шох раҳбарлигида дунёвий маданият, умуминсоний кадрятлар ҳамда маданий алоқаларни йўлга қўйиш, ривожлантириш, шунингдек, маънавий мерос мазмунини ўрганиш ва тадқиқ этишга асосланган «Шарқ фалсафаси ва маданиятини ўрганиш ва ривожлантириш» марказининг фаолият юритиши (Institute for Cultural Research); форс адабиётшунослиги ва маданияти бўйича қарашларнинг илмий асосланганлиги (University of Tehran) эътиборга молик.

Жаҳонда ижтимоий-маърифий тадқиқот марказлари Шарқ маънавий мероснинг бугунги кун учун долзарб ҳисобланган жиҳатларини ўрганиш орқали ижтимоий фаол фуқарони тарбиялаш; турли халқлар, шунингдек Марказий Осиё халқларининг тил, адабиёт ва маданиятини ўрганиш; маънавий мероснинг таржима ва шарҳларини яратиш; Шарқ мутафаккирлари фикр ва қарашларининг ижтимоий аҳамиятини аниқлаш; Шарқ алломалари маънавий меъросининг бугунги кун учун долзарб ҳисобланган муҳим жиҳатларини тадқиқ қилиш; мутафаккирлар маънавий қарашларининг назарий ва амалий аҳамиятини ўрганиш; ўрта аср мутафаккирлари таълимотининг йўналишларини аниқлаштириш; Шарқ мутафаккирлари қарашларининг фундаментал асоси ва дунёқараши бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш каби устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бормокда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Хорижлик Ж.С.Тримингем, А.Шиммель, Идрис Шох, А.Ж.Арберри, М.Агатехрани, С.Г.Сафави-Ҳомами, С.С.Сидек, О.Омэлли, Ф.Б.Жиҳан-Артун каби олимлар томонидан Шарқ маънавий меросининг бугунги кун тараққиётидаги ўрни, унинг инсон тафаккурини ривожлантиришдаги аҳамияти масалалари тадқиқ этилган³.

³Тримингем Дж.С. Суфийскийе ордена в исламе. – М.: Наука. 1989 – 328 с.; Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: «Алетейя – Энигма», 1999. – 416 с.; Shah Idries. *Thinkers of the East: Studies in Experientialism*. Publisher, Cape, 1971. – 198 p.; Arberry A.J. *Classical Persian Literature*. – London, 1958. – 464 pp.; Aghatehrani Morteza. *Khajjah Nasir Al-Din Tusi on the Meta-Mysticism of Ibn Sina* (PhD) Dissertation, State University of New York at Binghamton, 2000. – 186 pp.; Safavi-Homami, Seyed Ghahreman *Love the whole and not the part': An investigation of the rhetorical structure of Book One of the «Mathnawi» of Jalal al-Din Rumi*. Thesis submitted for the Degree of Doctor of Philosophy of the University of London. Department of the Study of Religions School of Oriental and African Studies, 2003. – 200p.; Sidek, Suzana Suhailawaty Md. *The concept of generosity in Rumi's Mathnawi: an analysis*. A thesis submitted in fulfillment of the requirement for the degree Doctor of Philosophy (Islamic and Other Civilizations). International Institute of Islamic Thought and Civilization, International Islamic University Malaysia, Kuala Lumpur: 2015. – 224 pp.; O'Malley, Austin M. *Poetry and pedagogy: The Homiletic Verse of Farid al-din Attâr*. A dissertation submitted to the faculty of the division of the Humanities in candidacy for the degree of doctor of philosophy. Department of Near Eastern languages and civilizations. Chicago, Illinois march, 2017. – 331 pp.; Cihan-Artun, Fatma Betul., «Rumi, the Poet of Universal Love: The Politics of Rumi's Appropriation in the West» Submitted to the Graduate School of the

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги республикалари олимларидан В.В.Бартолд, О.Ф.Акимушкин, Э.Э.Бертелс, И.П.Петрушевский, А.К.Арендс, А.Б.Халидов, О.Д.Чехович, Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпел, Р.Дениз, А.Д.Книш, С.Хатиби, К.Кодиров каби олимлар томонидан илмий-тарихий манбаларнинг ижтимоий, фалсафий аҳамияти ва дидактик имкониятлари очиб берилган⁴.

Республикамиз олимлари А.Ирисов, А.Носиров, И.Низомиддинов, Ш.М.Шомухамедов, М.Хайруллаев, Н.Комилов, Г.Н.Наврўзова, И.Ҳаққулов, А.Чориев, Ҳ.Ҳомидий, А.Саидов, К.Ҳошимов, С.Очилов, С.Нишонова, С.Ҳасанов, М.С.Салаевалар томонидан ижтимоий, маърифий, маънавий ва педагогик фикрлар тарихини бирламчи манбалар асосида ўрганилган ва илмий-амалий имкониятлари тадқиқ этилган⁵.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, замонавий шароитда дидактик асарлар асосида маънавий ва маърифий фикрлар ривожининг педагогик имкониятларини ўрганиш, умумлаштириш, тартиблаш ҳамда тизимли таҳлил этиш асосларини такомиллаштириш алоҳида долзарблик касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ, «Баркамол авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда аждодлар меросидан фойдаланишнинг илмий-педагогик асослари» йўналиши доирасида бажарилган.

University of Massachusetts Amherst in partial fulfillment of the requirements for the degree of doctor of philosophy, Doctoral Dissertations. 2016. – 243 pp.

⁴Бартольд, В.В. Сочинения в 9 тт. – Том 1. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Монография, – Москва: Восточная литература, 1963.– 763 с.; Акимушкин О.Ф. «Тути-наме» и предшественник Нахшаби (к вопросу индо-иранских культурных связей) // Письменные памятники Востока 1976-1977. М.: «Наука», 1984. С. 4-21.; Бертельс, Е.Э. История персидско-таджикской литературы / Избранные труды. – М.: Наука. 1960. – 555 с.; Петрушевский И.П. Поход монгольских войск в Среднюю Азию в 1219 – 1224гг. и его последствия. – М.: Наука. 1977. – 108 стр.; Бухарский вакф XIII в.: факсимиле / издание текста, перевод с арабского и персидского, введение и комментарий А.К. Арендса, А.Б. Халидова, О.Д. Чехович. – М.: Изд-во «Наука», 1979. – 133 с.; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана с древнейших времен до середины девятнадцатого века –М.: Искусство. 1965 – 688 с.; Дениз Р. Насиреддин Туси – ученый, опередивший века. ММ-С, 2014, 430 стр.; Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм: краткая история – СПб.: Изд. «Диля», 2004. – 420 с.; Хатиби С. Персидские документальные источники по социально-экономической истории Хорасана XIII-XIV вв. – Ашхабад, Ылым. 1985 – 134 с.; Кодиров К. Педагогические и дидактические идеи суфизма (Социальные и идейные истоки формирования и развития): Дис. д-ра пед. наук: 13.00.01. – Д., 2002. – 281 с.

⁵Ирисов А., Носиров А. ва Низомиддинов И., Ўрта Осиёлик қирқ олим. – Т.: Ўзфанакадناшр. 1961 – 102 б.; Шомухамедов Ш.М. Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм. – Т. 1968 – 236 б.; Хайруллаев М.М. Буюк сиймолар, алломалар: (Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар). К.1. – Т., 1995. – 104 б.; Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: «Movarounnahr» – «O‘zbekiston», 2009. – 448 б.; Наврўзова Г.Н. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Т.: Фан, 2005. – 232 б.; Ҳаққулов И. Кубро Шайх Нажмиддин. Тасаввуфий ҳаёт. – Т.: «Movarounnahr», 2004. – 263 б.; Чориев А. Педагогика тарихи методологияси. – Т.: Фан, 2010. – 176 б.; Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Т.: «Шарқ». 2009 – 144 б.; Саидов А. Аторшунослик. Фаридуддин Атор тафаккури хазиначилари... – Т.: «SHARQ», 2013. – 384 б.; Ўзбек педагогикаси антологияси: Икки жилдик. Ж. 1. / (Тузувчи-муаллифлар: К.Ҳошимов, С.Очилов.). – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 464 б.; Нишонова С. Шарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси: дис. пед. фан. д-ри: 13.00.01. – Т., 1998. – 288 б.; Ҳасанов С. Хоразм мутафаккирларининг маърифий-педагогик қарашлари (Энг қадимги даврдан XX аср бошларигача): дис. пед. фан. д-ри: 13.00.01. – Т., 2000. – 310 б., Салаева М.С. Ўзбек педагогикаси тарихини даврлаштиришнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш: дис. пед. фан. д-ри (DSc): 13.00.01. – Н., 2019. – 289 б.

Тадқиқотнинг мақсади Марказий Осиёда XII аср охири – XIV асрнинг биринчи ярмида яратилган дидактик асарлардаги маънавий-маърифий қарашлар асосида таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XII аср охири – XIV асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёдаги ижтимоий ҳаёт ва таълим-тарбия жараёнларини тадқиқ этиш;

дидактик асарларда ёритилган маънавий-маърифий қарашларни ўрганишнинг методологик асослари, умумий ва ўзига хос хусусиятларини педагогик нуқтаи назардан таҳлил этиш;

оилавий муносабатларнинг шахс маънавий юксалишдаги ўрни ҳамда ижтимоий муносабатларнинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини асослаб бериш;

тасаввуф таълимотларининг маърифий хусусиятлари, маърифатли бўлиш ҳамда илм эгаллаш йўлларини тадқиқ этиш;

узлуксиз таълим ва тарбияда ёш даврлари педагогик хусусиятини аниқлаш;

маърифатли ва маънавиятли шахсни тарбиялашнинг усул ҳамда воситаларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти Марказий Осиёда XII аср охири – XIV асрнинг биринчи ярмида педагогик фикрлар ривожини (дидактик асарлар мисолида)ни ўрганиш муаммосини таълимий-тарбиявий нуқтаи назардан асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг предмети Марказий Осиёда XII аср охири – XIV асрнинг биринчи ярмида педагогик фикрлар ривожини ўрганишга бағишланган «Асрорнома», «Панднома», «Мантиқ ут-тайр», «Илоҳийнома», «Булбулнома», «Уштурнома», «Гулистон», «Бўстон», «Ахлоқи Носирий», «Маснавийи маънавий», «Ал-инсон ал-комил» («Комил инсон»), «Тўтинома», «Қиссаси Рабғузий», «Гулшани роз» каби дидактик асарлардаги педагогик фикрлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий таҳлил, хронологик тизимли таҳлил, комплекс, муаммовий-мақсадли, тарихий, мантиқий ёндашиш ҳамда илмий билишнинг бошқа усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XII аср охири – XIV асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёдаги ижтимоий ҳаёт ва таълим-тарбия жараёнлари ҳамда ушбу даврга тегишли маънавий-маърифий қарашларни (таълимий-ахлоқий, онг ва маданият, табиат, жамият ва тафаккур қонунлари) ўрганишнинг методологик асосларини (кенг тадқиқотга жалб этиш, илмий-педагогик таҳлилларини яратиш, тематик таснифлаш) дидактик асарларнинг (мадх, дебоча, дунёнинг яратилиши, мазмуни ва таркиби) структуравий ҳамда маданият, мактаб ва педагогик қарашлар уйғунлиги каби герменевтик жиҳатдан такомиллаштириш зарурати асосланган;

ижтимоий муносабатларнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти

ота-онанинг бола тарбиясидаги роли: бурч, масъулият, огоҳлик, шоҳнинг аъёнлар ва халқ билан давлат бошқаруви борасида мурувватли, адолатли, хушхулқли, улуғларни қадрлаш, кечиримли, сабрли бўлиш, бунёдкорлик каби муносабатлар асосида очиб берилиб, узлуксиз маънавий тарбия концепциясидаги ёш авлодда мустақил ва бахтли ҳаёт учун зарур ижтимоий малака ҳамда фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шакллантиришдаги ўрни асослаб берилган;

XII аср охири – XIV асрнинг биринчи ярмида педагогик фикрлар ривожидан муҳим ўрин тутган Фаридудин Атторнинг «Асрорнома», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», Носириддин Тусийнинг «Ахлоқи Носирий» асарларидаги илм эгаллаш йўллари, ўғит, ҳикмат, ибрат, илм ва амал бирлиги заруратида оид ғояларининг педагогик баҳоланишини ишлаб чиқиш, инсон капиталини ривожлантириш, касб-хунарга ўргатишни такомиллаштириш каби замонавий таълим ва тарбия тизимининг стратегик мақсадларига ҳамоҳанглиги аниқлаштирилган;

Фаридуддин Атторнинг «Асрорнома» асаридаги маърифат ҳосил қилиш, атрофга маърифат бахш этиш, мақсад ва маслакни аҳли маърифат билан боғлаш каби ҳамда Носириддин Тусийнинг «Адаб ул-мутааллимин» асаридаги узлуксиз маърифатга интилиш, илм эгаллаш, таълимни тартиб билан олиб бориш тўғрисидаги ғоялар асосида кучли фуқаролик жамияти қуриш концепциясининг маънавий-ахлоқий тарбияни баҳолаш индикаторлари, тадрийжийлик ва узлуксизлик тамойиллари, оила-маҳалла-мактаб ҳамкорлигини ўрнатиш механизмларини такомиллаштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган;

Янги Ўзбекистонда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, интеллектуал қобилиятларини намоён эта оладиган ва юксак маънавиятли шахсни тарбиялашда маърифатни шакллантириш даражалари (зийнат, қурбат, кадр, соҳиб, содиқ ва садр) ва йўллари (илм, таҳсил, тадбир, заҳмат) ҳамда маънавий вужудга эришиш сифатлари (иймон-эътиқодли, бағрикенг, мард, иродали, матонатли, қалбига қулоқ тута оладиган, виждонли) орқали таълим-тарбия концепцияси механизмлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

дидактик асарлардаги маънавий-маърифий қарашларни ўрганишнинг методологик асослари, умумий ва хусусий жиҳатлари ахлоқий, маърифий, фалсафий, бадий-дидактик асарлар типлари бўйича таснифланган ҳамда уни илмий асосда структуравий, герменевтик жиҳатдан такомиллаштиришга оид назарий-методологик тавсиялар берилган;

педагогик ёндашув асосида оилавий муносабатларнинг шахс маънавий юксалишидаги ўрни, ижтимоий муносабатларнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти ҳамда таълим-тарбиянинг миллий ва умуминсоний хусусиятлари очиб берилган;

маърифатли ва маънавиятли шахсни тарбиялаш концепциясини

такомиллаштиришнинг назарий-методологик жиҳатларига доир таклифлари ишлаб чиқилган ҳамда маънавий меросни кенг оммалаштириш ҳамда ривожлантириш мақсадида Носириддин Тусийнинг «Ахлоқи Носирий» китобининг ўзбек тилидаги таржимаси амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференцияларда синовдан ўтказилганлиги, тадқиқот иши натижалари юзасидан берилган хулосалар, таклифлар ишлаб чиқилганлиги ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илгари сурилган маънавий-маърифий концептуал ғоялардан таълим-тарбия жараёнларини ислоҳ қилиш жараёнида, узлуксиз таълим тизими, маҳалла, оила ва хотин-қизлар бошқармаси, Ёшлар ижод маркази, маънавий-маданий тарбия ўчоқлари ўзининг амалий, кундалик фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Республика Маънавият-маърифат маркази ва турли ижтимоий институтларнинг таълимий ва тарбиявий ишларини амалга ошириш, Ўзбекистонда «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»ни амалга оширишда ҳамда «2022-2032 йилларга мўлжалланган маънавий тараққиёт стратегияси»ни ишлаб чиқишга қаратилган ишларда, шунингдек, узлуксиз таълимнинг барча босқичларида маърифий тафаккур, маънавий-ахлоқий тарбия мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Марказий Осиёда XII аср охири – XIV асрнинг биринчи ярмида педагогик фикрлар ривожини тадқиқ этиш асосида илгари сурилган илмий янгиликлардан:

XII аср охири – XIV асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёдаги ижтимоий ҳаёт ва таълим-тарбия жараёнлари ҳамда ушбу даврга тегишли маънавий-маърифий қарашларни (таълимий-ахлоқий, онг ва маданият, табиат, жамият ва тафаккур қонунлари) ўрганишнинг методологик асосларини (кенг тадқиқотга жалб этиш, илмий-педагогик таҳлилларини яратиш, тематик таснифлаш) дидактик асарларнинг (мадх, дебоча, дунёнинг яратилиши, мазмуни ва таркиби) структуравий ҳамда маданият, мактаб ва педагогик қарашлар уйғунлиги каби герменевтик жиҳатдан такомиллаштириш заруратига оид илмий хулосалар ва янгиликлардан Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган FZ-2016-0909111822 – «Дарсликлар ва ўқув адабиётларнинг мазмунида Шарқ педагогик тафаккур дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда «оммавий маданият»га қарши курашувчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари» (2018-2020

йй.) номли грант доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика университетининг 2022 йил 29 августдаги 02-07-2344/04-сон маълумотномаси). Натижада, дидактик асарларда оилавий муносабатларнинг шахсининг маънавий юксалишидаги ўрни ҳамда ижтимоий муносабатларга оид педагогик қарашларнинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини асослаб беришга имкон яратган;

ижтимоий муносабатларнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти ота-онанинг бола тарбиясидаги роли: бурч, масъулият, огоҳлик, шоҳнинг аъёнлар ва халқ билан давлат бошқаруви борасида мурувватли, адолатли, хушхулқли, улуғларни қадрлаш, кечиримли, сабрли бўлиш, бунёдкорлик, каби муносабатлар асосида очиб берилиб, узлуксиз маънавий тарбия концепциясидаги ёш авлодда мустақил ва бахтли ҳаёт учун зарур ижтимоий малака ҳамда фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шакллантиришдаги ўрнига оид назарий умумлашмалар ва амалий тавсиялардан Бухоро давлат университетида бажарилган ОТ-ФИ-002 – «Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари» мавзусидаги (2017-2020 йй) фундаментал лойиҳада белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика университетининг 2022 йил 29 августдаги 02-07-2344/04-сон маълумотномаси). Натижада, маънавий-маърифий тафаккурни такомиллаштиришга, таълим-тарбияни индуктив, дедуктив ташкил қилиш, болага таъсир қиладиган ижтимоий муҳитдан огоҳлик, уни ақлий, жисмоний, ахлоқий, эстетик жиҳатдан тарбиялаш, ўсмир ва ўспириннинг психологик ўзгариши, характер-хусусиятидан келиб чиққан ҳолда таълимни ташкил қилиш тамойилларини аниқлашга, узлуксиз таълим-тарбия мазмунини педагогик таҳлил этишга хизмат қилган;

XII аср охири – XIV асрнинг биринчи ярмида педагогик фикрлар ривожидида муҳим ўрин тутган Фаридудин Атторнинг «Асрорнома», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», Носириддин Тусийнинг «Ахлоқи Носирий» асарларидаги илм эгаллаш йўллари ўғит, ҳикмат, ибрат, илм ва амал бирлиги заруратига оид ғояларининг педагогик баҳоланишини ишлаб чиқиш, инсон капиталини ривожлантириш, касб-хунарга ўргатишни такомиллаштириш каби замонавий таълим ва тарбия тизимининг стратегик мақсадларига ҳамоҳанглигига оид илмий хулосалардан Бухоро давлат университетида бажарилган ОТ-ФИ-002 – «Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари» мавзусидаги (2017-2020 йй) фундаментал лойиҳада белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика университетининг 2022 йил 29 августдаги 02-07-2344/04-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда жамият тараққиётига хизмат қилувчи ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлашга оид дунёқарашни бойишига, таълим тизимидаги фанларнинг методик жиҳатдан

замонавийлашувига хизмат қилган;

Фаридуддин Атторнинг «Асрорнома» асаридаги маърифат ҳосил қилиш, атрофга маърифат бахш этиш, мақсад ва маслакни аҳли маърифат билан боғлаш каби ҳамда Носириддин Тусийнинг «Адаб ул-мутааллимин» асаридаги узлуксиз маърифатга интилиш, илм эгаллаш, таълимни тартиб билан олиб бориш тўғрисидаги ғоялар асосида кучли фуқаролик жамияти куриш концепциясининг маънавий-ахлоқий тарбияни баҳолаш индикаторлари, тадрижийлик ва узлуксизлик тамойиллари, оила-маҳалла-мактаб ҳамкорлигини ўрнатиш механизмларини такомиллаштиришга оид илмий янгиликлар ва тавсиялардан «Педагогика назарияси ва тарихи» дарслиги ишлаб чиқилган ва таълим тизимига жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 19 июлдаги 233-сон буйруғи, 233-0300-рақамли гувоҳномаси). Натижада, талабаларда мамлакатимизда олиб борилаётган таълим-тарбияга оид ислохотларнинг мазмунини тушунтиришга, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга, педагогик лаёқатни ошишига, педагогик тушунча ва атамаларни сифат жиҳатидан бойитишга ҳамда педагогик таҳлилини амалга оширишга хизмат қилган;

Янги Ўзбекистонда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, интеллектуал қобилиятларини намоён эта оладиган ва юксак маънавиятли шахсни тарбиялашда маърифатни шакллантириш даражалари (зийнат, қурбат, қадр, соҳиб, содиқ ва садр) ва йўллари (илм, таҳсил, тадбир, заҳмат) ҳамда маънавий вужудга эришиш сифатлари (иймон-эътиқодли, бағрикенг, мард, иродали, матонатли, қалбига кулоқ тута оладиган, виждонли) орқали таълим-тарбия концепцияси механизмларини такомиллаштиришга оид назарий умумлашмалар ва илмий янгиликлар асосида «Педагогика назарияси ва тарихи» дарслиги ишлаб чиқилган ва таълим тизимига жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 9 сентябрдаги 302-сон буйруғи, 302-1173-рақамли гувоҳномаси). Натижада, узлуксиз таълим-тарбия жараёнини ташкил қиладиган таълим мазмуни, шакл, метод ва воситаларини танлашнинг назарий ва амалий аҳамиятини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни 8 та халқаро ва 6 та республика илмий-назарий ҳамда амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 19 та мақола, жумладан, 13 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўрт боб, ўн параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 269 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги тавсифланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотда қўлланилган усуллар ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган ҳамда диссертация натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Марказий Осиёда XII аср охири – XIV асрнинг биринчи ярмида педагогик фикрлар ривожининг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида XII аср охири – XIV асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёдаги ижтимоий ҳаёт ва таълим-тарбия жараёнлари, дидактик асарларда маънавий-маърифий қарашларни ўрганишнинг методологик асослари, умумий ва ўзига хос хусусиятлари аниқланган. Хусусан, бу даврда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт жараёнларининг ташкил этилиш шарт-шароитлари, XII аср охири – XIV асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёдаги илм-фан марказлари бўлган йирик шаҳарларнинг тараққиёти ундаги таълим-тарбия масалалари ва педагогик ғояларнинг ижобий тус олиб ривожланишидаги ўрни ҳамда аҳамияти манбалар таҳлили асосида баён қилинган.

Диссертацияда XII аср охири – XIV асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёдаги таълим-тарбия берувчи муассасалар ўз даврининг йирик илм-фан даргоҳлари, улардаги ўқитиш тизими ва босқичлари ҳамда қўлланилган ўқитиш усуллари ва воситалари хусусида ҳам тўхталиб ўтилган. Хусусан, ўрта асрларга келиб барча мусулмон мамлакатларида таълим-тарбия тизими уч босқичдан: бошланғич таълим, умумтаълим ва олий таълимдан иборат бўлган. Ўқувчилар ўрганилаётган фанга қараб «Тахтахона» (мулла томонидан ёзилган тахтачада алифбони ўрганиш хонаси), «Абжадхона» (Абжад ўрганиладиган хона), «Ҳафтиякхона» (Ҳафтияк ўрганиладиган хона) ва «Қуръонхона» (Қуръон ўрганиладиган хона) каби гуруҳланган. Ўрта аср ва ундан кейинги даврларда «Қорихона», «Далойилхона»лар ҳам фаолият кўрсатган. Бундай таълим масканлари мактаб ва мадраса ўртасидаги алоқани таъминлаган. X асрдан бошлаб мадрасаларда «имло» усули ўрнини ўқитишнинг янги усули – «тадрис» усули етакчи ўрин эгаллаган. «Тадрис» усули илмий мунозара билан узвий боғлиқ бўлгани учун масжидлар мунозарага мувофиқ бўлмаган, бунинг натижасида мадрасалар вужудга кела бошлаган. Мадрасаларда таълим олаётган талабалар учун таълим дастурлари

қуйи (адно ёки ибтидоий), ўрта (авсат ёки рушдий) ва юқори (аъло ёки икқадий) каби уч босқичга ажратилган.

XII аср охири – XIV аср бошларидан бошлаб мадрасалар хон мадрасалари, эшон мадрасалари, хусусий мадрасалар каби турларга бўлинган. Ушбу даврда Бухорода энг таниқли 1000 кишига мўлжалланган «Масъудия» ва Улуғ Мункехоннинг онаси қурдирган «Хония» мадрасалари фаолият юритган. Мадрасаларда Фаробий ва Ибн Сино таклиф қилган фанлар таснифидан унумли фойдаланилган. Кейинчалик фанлар таснифини Муҳаммад Ғаззолий, Фахриддин Розий, Носириддин Тусий ҳамда Қутбиддин Шерозийларда ҳам кузатилади. Мактаб ва мадрасалар таъминоти вақф, яъни хайрия мақсадларида васият қилинган мулк, вақфий мулк орқали таъминланган. XIII асрдаги таълим жараёнидан Сайфиддин Бохарзий мақбараси ва хонақосига тегишли вақф ҳужжати мазмунида қисман маълумот келтирилган. Сайфиддин Бохарзий тасаввуф вакилларидан бири, кубровийлик тариқатининг йирик намоёндаси, машҳур валий ва шайхларидан бўлган. Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда унинг ўрни катта бўлган ва ўша даврда унга «Шайх ул-олам» унвони, Бухоро шаҳрига эса «Бухорои шариф» мақоми берилган.

Мактаб ва мадрасалар маданият ва таълим маркази бўлиш билан бир қаторда жамият ривожига, унинг маърифий тараққиётига етарлича ўз таъсирини кўрсатган. Ушбу таълим масканлари учун, панднома шаклидаги дидактик асарлар яратилиши такомиллаша бошлаган.

Диссертацияда XII аср охири – XIV аср бошларида Марказий Осиёда педагогик фикрлар ривожига айниқса дидактик асарларнинг педагогик таҳлилини ўрганишга бағишланган тадқиқотларни илмий-хронологик, амалий таҳлил қилиш орқали илмий мулоҳазалар келтирилган. Натижада, XII аср охири XIV аср бошларида Марказий Осиё тарихига доир педагогик қарашларни ўрганиш бўйича тўлиқ монографик тадқиқот иши мавжуд эмаслиги аниқланган.

Дидактик асарларда ижтимоий-фалсафий, илмий қарашларни оммалаштириш воситаси сифатида Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Ибн Синонинг «Донишнома», «Уржуза»сини мисол келтириш мумкин. Бундан ташқари, дидактик асарларнинг илк намуналари Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғотит-турк», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Кайковуснинг «Қобуснома» асарида учрайди. Туркий тилларда яратилган дидактик асарларнинг дастлабки йирик намуналарига Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» дostonлари мисол бўла олади. Дидактик асарлар ривожига кучли таъсир кўрсатган Марказий Осиё шоирлари орасида XII аср буюк сўфийлар етакчиси Юсуф Ҳамадонийнинг издоши Аҳмад Яссавий «Девони ҳикмат»ини ҳам келтириш мумкин. Девон кўринишида тўпланган шеърлар дидактик асарларнинг янги йўналиши – халқ диний шеърятини ифодалайди.

Марказий Осиёда XII аср охири – XIV аср бошларида давлат тили мақомини олган форсий ҳамда туркий тилларда таълим-тарбияга оид панд, насихат шаклидаги ижтимоий, фалсафий ҳамда тасаввуф таълимоти етакчилик қилган дидактик асарлар вужудга кела бошлаган. Форс тилида Фаридуддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр», «Асрорнома», Носириддин Тусийнинг «Ахлоқи Носирий», Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон», «Бўстон», Азизиддин Насафийнинг «Ал-инсон ал-комил», «Зубдат ул-хақойиқ» каби асарлари, туркий тилда Бурҳониддин Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асарлари шулар жумласидандир.

Дидактик асарлар таркиби, тузилиши, мазмуни билан бир-биридан фарқ қилса ҳам, моҳияти бир-бирига яқин бўлиб, инсон камолоти ва баркамоллиги масалаларига қаратилган. Дидактик асарлар илдизи, биринчидан, халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. Иккинчидан, «Қуръон» шарҳловчилари томонидан шариат қонун-қоидалари ҳамда ахлоқ талабларининг тарғиб этилиши мусулмон дунёси таълим-тарбия тизимида дидактик (таълимий-ахлоқий) мазмундаги асарларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган.

Дидактик асарлар таркибида халқ ҳажвлари, латифа, ҳикоят ва ривоятлар ҳам кенг ўрин эгаллаган. Дидактик асарлар таркибида келтирилган бу каби жанр намуналари ҳикмат ва насихат, ўрнак, намуна сифатида келтирилиб, турмушга яроқли маънодор гаплар, инсон ижобий хислатларини намоён қилиш ва уни ёмон йўллардан қайтаришга даъват этиш, яхши фазилатларни шакллантиришга йўналтирилган. Қуйида дидактик асарларнинг тузилиши ва мазмуни келтирилган. (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Дидактик асарларнинг тузилиши

Тузилиш	Мазмун
Мадҳ	Аллоҳга ҳамд-у санолар ва унинг расулига саловот, Пайғамбарнинг аҳли байти, саҳобалари ва авлиёлар васфини куйлаш ҳамда шоҳларни улуғлаш
Дебоча	Китобнинг яратилиши ёки ёзилиш сабаблари
Дунёнинг яратилиши ҳақида	Олов (нафс), сув (қўнғил), ҳаво (руҳ), тупроқ (ақл) чор (тўрт) унсур, ўсимлик, ҳайвон, энг олий зот – инсон
Мазмун	Инсон камолоти учун дахлдор муаммолар, ижтимоий, маънавий, маърифий, маданий ахлоқ қоидалари
Таркиби	Халқ оғзаки ижоди, мақол, матал, масал, ҳикоят, ривоят, ҳикмат, «Авесто», Қуръон оятлари, ҳадиси шариф, дostonлар.

Дидактик асар мазмунида панд-насихатни мужассамлаштирган адабиёт бўлиб, ушбу адабиётлар адабий шаклига кўра: насрий, насрий-шеърый, шеърый дидактик асарларга бўлинади. Умуман олганда, дидактик асарлар классик, прогрессив ва замонавий дидактик асарлар кўринишида

тартибланади. Ушбу асарлар таълим-тарбия, одоб-ахлоқ ва ҳикмат дарси бўлиб, ижтимоий, фалсафий, илмий қарашларни оммалаштириш воситаси ҳамдир. Чунки ушбу типдаги асарлар ўрта асрларда Марказий Осиёда мактаб, мадраса таълимини яхшилаш, таълимнинг назарий ва амалий масалаларини ҳал қилишда таълим мазмунини ташкил қилган. Диссертацияда дидактик асарларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари кенг ўрганилиб, уларни ахлоқий-дидактик асарлар, маърифий-дидактик асарлар, фалсафий-дидактик асарлар ҳамда бадиий-дидактик асарлар каби тўртта типга ажратиб кўрсатиш мумкинлиги асослаб берилган. Қуйида дидактик асарларда маданият, мактаб ва педагогик қарашлар уйғунлиги тасвирланган. (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

**Дидактик асарларда маданият, мактаб ва педагогик қарашлар
уйғунлиги**

Дидактик асарларда маданият	
Ижтимоий муносабат	ота-ўғил, она-бола, эр-хотин, устоз-шогирд, дўстлик, шоҳ-вазир, савдо-сотик
Ижтимоий фаолият	Эътиқодни мустаҳкамлаш, авлиёларни эъзозлаш, халқни улуғлаш, касб-хунар, илм эгаллаш, хулқ-одоб қоидаларини билиш; давлатни, оилани бошқариш; фарзанд, шогирдни тарбиялаш; ўзликни англаш
Ижтимоий-маданий ҳаёт	дин, хунар (меъморчилик ва бинокорлик), санъат (наққошлик ва ўймакорлик, хаттотлик, мусиқа), иншоотлар (масжид, мактаб, кутубхона, мадраса, хонақоҳ), ер эгаллиги
Дидактик асарларда мактаб	
Таълим ва тарбия маскани	Масжид, хонақоҳ, мадраса, кутубхона
Таълим мазмуни	Диний (Қуръони карим, Ҳадиси шариф), тасаввуф, илмий, ахлоқий, маърифий, фалсафий ва бадиий руҳдаги асарлар
Тасаввуф таълимотлари	Яссавия, хожагон, кубравия, ишқия, суҳравардия, қодирия
Шахслар мактаби	Сўфий, шайх, шоир, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос, файласуф, олим, қози, мунший (қотиб), паҳлавон, табиб, санъаткор, хунарманд
Дидактик асарларда педагогик қарашлар	
Мерос	тарихий, илмий, фалсафий, маърифий, маънавий-ахлоқий, бадиий
Таълим	тиббиёт, фалсафа, мантиқ, география, табиий фанлар, калом илми, астрономия, адабиёт, риторика, тарих, арифметикаси ва хандаса, саводхонлик, Қуръон тафсирлари, ҳадислар, шариат қонунлари, тасаввуф
Тарбия	илоҳий, ахлоқий, маънавий, жисмоний, ақлий, оилавий, меҳнат, жамоат тарбияси

Дидактик асарларни маданият, мактаб ва педагогик қарашлар уйғунлиги орқали таснифлаш ижтимоий муносабат, фаолият, ижтимоий-маданий ҳаёт, мактаб, таълим ва тарбия маскани, тасаввуф таълимотлари, буюк шахслар томонидан яратилган илм мактаблари, таълим бериш ва тарбиялаш мазмунини очиб беришга хизмат қилади. Ушбу асарларнинг тузилиши муаллифга тегишли овоз, ҳикоя овози, аналогия (ўхшаш, қиёслаш)га асосланган овоз, бадий сўз ва персонаж диалоги ҳамда ягона тўхтамдан иборат бўлиб, баъзида воқеабанд мазмун касб этади. Дидактик асарларда ўз даврининг энг муҳим сиёсий, иқтисодий воқеалари акс эттирилиб, ахлоқий меъёрлари ўша давр кишиларининг хилма-хил образлари орқали баён этилган ҳамда ахлоқий таъсир, маънавий мунозара ва тасаввуф усуллари шарҳланган. Бу тузилиш дидактик асарларни маданият, мактаб ва педагогик қарашлар нуктаи назардан таснифлашни тақозо этади.

Диссертациянинг «**Марказий Осиёда XII аср охири – XIV асрнинг биринчи ярмида яратилган дидактик асарларда маънавият, маърифат ва ижтимоий муносабатлар**» деб номланган иккинчи бобда дидактик асарларда маънавият, маърифат ва ижтимоий муносабатлар қиёсий ўрганилиб, шахс ривожига ва жамият тараққиёти илмий асосланган. Ушбу бобда дидактик асарларда ифодаланган оилавий муносабатларнинг шахс маънавий юксалишидаги ўрни, ижтимоий муносабатларнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти таҳлил этилган.

Диссертацияда дидактик асарлар мазмунида ифодаланган ота-ўғил, она-бола, ота-она, эр ва хотин каби оилавий муносабатларнинг шахс маънавий юксалишидаги ўрни таҳлил этилиб, асарларда ота-ўғил муносабати шоҳ, шайх, оқил, донишманд, паҳлавон ва деҳқоннинг ўз ўғлига насиҳати тарзида ёритилгани, ота роли меҳрибон бошлиқ, раҳнамо, оилага ва эл-юртга бошчилик қилувчи, ёши ёки мансаби улуг зот каби тасвирланганлиги таъкидланади. Ушбу асарларда ота-ўғил муносабати ва отанинг ўғлига насиҳати тасвири «Шоҳнома»да Рустамнинг Сухробга насиҳати, «Гулистонда» Нўширавоннинг Хурмузга, Хусравнинг Шеруяга насиҳати, Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий»сида Ардашер Бобакнинг ва Лукмони Ҳакимнинг ўз ўғилларига насиҳати ҳамда Атторнинг «Илоҳийнома»сида отанинг олтига ўғлини ҳақ йўлига солгани каби воқеалари мисолида келтирилади.

Шунингдек, дидактик асарларда келтирилган ота масъулияти бола тарбиясига моддий ҳамда маънавий жиҳатдан эканлиги баҳоланган. Моддий жиҳатдан фарзанд вояга етгунча ота таъминотида бўлиши ва шу вақт ичида ота фарзандининг касб ва ҳунар эгаллаши учун ҳаракат қилиши лозимлиги таъкидланган. Ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги бурч ва ҳуқуқлари, руҳий ва жисмоний таъсири изоҳлаб ўтилган. Фарзандга биринчи навбатда, виждон, адолат ва камтаринликни ўргатиш лозимлиги таъкидланади. Яхши ном қолдиришнинг биринчи муҳим шarti ўзидан кейин илм-у маърифатли ва ҳунарли авлодларни қолдириб кетиш эканлиги кўрсатилади.

Асарларда отанинг ўғилга васияти адолатли, инсофли бўлиш, яхшилар бошини силаш, зулм этгувчига омонлик бермаслик, мусофирни ҳурмат қилиш, ғарибнинг дўсти бўлиш, сайёҳларни севиш, бегонадан ҳушёр бўлиш, кадрдонлар қадрини ошириш, мурувватли бўлиш каби хислатларни эгаллаш олға сурилади, ота ва ўғил муносабатида мардлик, вафодорлик, садоқат, бағрикенглик каби фазилатлар улуғланади. Она-бола муносабати дидактик асарларда меҳрибонлик, ҳимоя, тарбия, оқибат каби муносабатлар орқали ёритилган. Она тимсоли фарзандининг ҳар бир рафторидан бохабарлиги, огоҳ инсон каби гавдаланади ва фарзандини яхши йўлга чорлагувчи раҳнамо сифатида тасвирланади.

Дидактик асарлар мазмунида жамиятда ўз ўрнига эга бўлган кампир (момо), она, аёл, келин, қиз сиймоси жуда асосли баён этилган. Айниқса, сўфий аёлларнинг илк даврларда ижтимоий ҳаётдаги анча фаол иштироки ва уларнинг жамиятда тутган салмоқли ўрни кўрсатилган. Сўфий аёл Робия ал-Адавия оқила, матонат, садоқат бобида пешрав, иймон, покизалик, фозила, шижоат, қудрат тимсоли сифатида гавдаланади. Робия номи остида қатор ҳикоялар кузатилади. Масалан, дунёдан воз кечиш, нафсни тарбиялаш ҳамда муҳаббат тимсоли мазмунида келади. «Ахлоқи Носирий»да оила, оилавий қадриятлар, ижтимоий муаммолар каби фалсафий ва ижтимоий фикрлар биринчи ўринда туради. Бундан ташқари асарда эр киши билан хотин орасида никоҳ, бир-бирига ҳурмат сақлаш шарти сифатида таърифланиб, «Асрорнома»да аёл тимсоли – садоқат, вафо, тақводорлик, «Бўстон»да меҳр, муҳаббат; «Маснавий», «Ахлоқи Носирий»да холик, дўстлик рамзи сифатида келтирилган. Яъни, яхши аёл – она, дўст ва канизакка; ёмон хотин эса золим, душман ва ўғрига ўхшатилади.

Диссертацияда устоз-шогирд, шоҳ ва аёнлар, шоҳ ва раёсат каби ижтимоий муносабатларнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти ёритилган. Жамият тараққиётини белгиловчи юксак ижтимоий муносабатлардан яна бири бу устоз ва шогирд муносабатидир. Дидактик асарларда устоз-шогирд муносабати борасида шогирд ўзига устознинг энг саводлиси, мўмини, яхшисини ва йўлдошнинг эса хайрихоҳ, ҳақиқатпарвар ва хосиятлисини танлаши кераклиги таъкидланади. «Адаб ул-мутаъллимин» номли рисолада илм ўрганишда шогирд дарс пайтида зарурат бўлмасдан муаллимга яқин ўтирмаслиги, унинг билан муаллим орасида бир камон масофа бўлиши кераклиги ва бу масофа ҳурмат аломати эканлиги изоҳланади. Илм ва илм аҳлига самимий қалбдан буюк эҳтиром кўрсатмоқ лозимлиги кўрсатилади. «Маснавий»да устод ва шогирд фаолиятига баҳо берилиб, шогирднинг устод билан илм санъати ўз адосига етиши, илм олиш йўли шогирд учун суннатлиги, жамоат эса шогирднинг илм эгаллаши учун рафиқ ва дўстлиги изоҳланади. «Гулистон»да устознинг айтган сўзлари ва қилган ишлари мос келиши лозимлиги таъкидланади.

Дидактик асарларда дўстлик, дўст танлаш ва дўстга вафодорлик куйланади. Асарларда тасвирланган дўстлик муносабати таърифларига

этибор қаратадиган бўлсак, унга манфаат ва мазмун курашини кузатиш мумкин. Дўстлик кишилар ўртасида юксак маънавий тамойиллари асосида шаклланадиган, ўзаро аҳилликни ва яқинликни англатувчи тушунча. Дўстлик қадрият сифатида ижтимоий ҳаётда ва шахслараро муносабатларда намоён бўлади. Жумладан, зиёнкор, манфаатдор ва фақат ўз фойдасини ўйлайдиган кишилар билан дўст туғиниб бўлмаслиги, киши маслакдош, ҳамфикр ва халқ манфаатида юривчи инсон бўлсагина, ундан соғлом дўстлик чиқиши мумкинлиги таъкидланади. Диссертацияда дўстлик муносабатида турли хил ихтилофларнинг олдини олиш учун «масофани сақлаш» ғояси олға сурилган. Дидактик асарларда яна дўстга озор бермаслик, манман бўлмаслик, дўстни қўлдан бермаслик, уни ўзига душман этмаслик, дўстга доим дўст деб назар солиш, дўстликнинг шартларини адо этиб яхши дўст бўлиш каби дўстлик муносабатини қуриш борасида панд-у насиҳатлар келтирилади. Демак, дўстликнинг асосий шарти вафо ва садоқатдир. Ушбу шартлар дўстлик риштасини мустаҳкамлайди ва ўзгаларга ўрнак бўла оладиган муносабатни ўзида намоён қилади.

Ўрта асрларда кенг аҳамият касб этган ижтимоий муносабат бу шоҳнинг аъёнлари ва халқ билан муносабатидир. Шу ўринда Фирдавсий, Абу Наср Фаробий, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк, Фаридиддун Аттор, Жалолоддин Румий ҳамда Муслиҳиддин Саъдий каби мутафаккирларнинг асарларида ахлоқий меъёрлар хусусида фикр юритилган. Айниқса, Саъдийнинг «Гулистон» асарида ҳукмронлар одоби баён қилиниб, унда шоҳнинг ғзаб, фитна, бахиллик, мол-дунёга берилиш каби иллатлар қораланади. «Бўстон»да Нўширавон Ҳурмузга, Хусрав Шеруяга, Шопурнинг Хусравга, йилқичининг Дорога, оқилнинг Туклага ва Шом шоҳига берган маслаҳатлари ва насиҳатлари келтирилган. Шопурнинг Хусравга давлат бошқаруви борасида берган насиҳатида фитнагарни ҳайдаши, хиёнаткорни текшириш лозимлиги, шоҳнинг ғзабли ҳамда мурувватли бўлиш лозимлиги, сахий, хушхулқли бўлиши, ўздан кейин яхши ва тирик ном қолдириш учун ҳовуз, қўл, кўприк ва карвонсарой қурдириши, улуғларни унутмаслиги, ғаразгўй сўзига қулоқ солмаслиги, кечиримли, сабрли бўлиши каби хусусиятлар келтирилади. Дидактик асарларда шоҳларга нисбатан «адолат» каби хислат таърифи кетганда Нўширавон образи ҳам гавдаланади. Нўширавон образи адолатли подшоҳ, халқини ёвуз кишилардан сақловчи ҳукмдор, донишманд киши ҳамда давлат ишлари билан биргаликда санъат ва маърифатга кучли меҳр билан боқувчи инсон сифатида таърифланганлиги ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг «**Марказий Осиёда XII аср охири – XIV асрнинг биринчи ярмида яратилган дидактик асарларда таълим ва тарбия масалалари**» деб номланган учинчи бобида дидактик асарларда тасаввуфий таълимотларининг маърифий хусусиятлари, маърифатли бўлиш ва илм эгаллаш йўллари, узлуксиз таълим ва тарбияда ёш даврлари педагогик хусусияти очиб берилган. Ўрта асрларда таълим турларининг бири сифатида

тасаввуф ҳам тилга олинади. Тасаввуф, сўфийлик исломда инсонни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан комиллик сари йўлловчи таълимотдир. XII асрдан бошлаб сўфийлик тариқатларидан яссавия, хожагон, кубравия, ишқия, суҳравардия Марказий Осиёда кенг тарқала бошлаган. Ушбу даврда калом илми (Қуръон тафсири илми) ва фалсафаси (мушоҳада илми) ҳамма илмлардан устун турган. Ўша даврдан бошлаб савод ўргатиш, Қуръон ва ҳадисларни ўрганиш, улардаги кўрсатмаларни ўзлаштириш билан бирга олиб борилган. Шунга кўра, Қуръон ва ҳадислардаги панд-насихатлар олимлар, мутафаккирлар ижодига таъсир этган. Уларда мусулмонликнинг муҳим хислатлари: ҳалоллик, саховат, ҳиммат, меҳр-у оқибат, эҳсон, шарм-ҳаё, илм излаш, устоз-шоғирдлик, муомала қоидалари, ахлоқ мезонлари ва бошқалар ўз ифодасини топган. Булар Шарқ дидактик асарларида, жумладан, таълимий-ахлоқий асарларга чуқур таъсир этган. Бу асарлар бевосита олам ва одам яралиши, пайғамбарлар ҳаёти билан боғлиқ воқеаларда илгари сурилган ғоялар асосида яратилган ва ижтимоий муносабатларнинг мазмуни дин билан чамбарчас бўлган.

Дидактик асарлар тасаввуф таълимотига таянади ва улар «комил инсонни тарбиялаш»га қаратилган. Ушбу асарларда тасаввуф борасида сўз борар экан, тасаввуф илмидан сабоқ берувчи шахс унвонлари, сабоқ олувчи шахс номлари, тасаввуф бўйича олий мақомларга эришган соҳибқаромат пирлар, тасаввуф аҳли ифода этилган. Қуйида алломалар фикрларидан фойдаланиб, комиллик сари босиб ўтиладиган тасаввуф босқичлари таърифи келтирилган. (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Тасаввуф босқичлари таърифи

Сўфий файласуф	Шариат	Тариқат	Ҳақиқат
Фаридуддин Аттор	Тан ва сийратни тоза тутмоқ	Сабр этмоқ	Хомуш ўлтирмоқ
Румий	Илм	Амал	Аллоҳга етишмоқ
	Шам	Йўл	Мақсадга етмоқ
	Тиб илми	Парҳез	Соғаймоқ
Насафий	анбиёнинг айтганлари	анбиёнинг қилганлари	анбиёнинг кўрганлари
Шабустарий	кўйлак каби кийиладиган пўст (зоҳир)	яктак каби кийиладиган кўприк	мақомга эришиладиган, мағз (ботин)

Диссертацияда дидактик асарларда баён қилинган маърифатли бўлиш ва илм эгаллаш йўллари таҳлил қилинган. Маърифат инсонни жаҳолатдан, ҳатто ҳалокатдан қутқаради, маънавий ҳарорат бахш этиб, яхши хулқ ва одоб

эгаси бўлишга ёрдам беради. Инсон ўзини тарбия этишда кўнгилни моддий нарсаларга эмас маърифатга боғлаш лозимлиги таъкидланади. Маърифатли бўлиш ва илм эгаллаш йўллари кўнгилга хуш келадиган, малҳам бўладиган таълим-тарбия усуллари – ўғит, ҳикмат, ибрат орқали амалга ошириш мумкинлиги, камолга етишда илм ва амал бирлиги асосланган. Маърифат йўлида шогирдга ориф, пир, устознинг кераклиги изоҳланади. Шогирд кўнгилда ҳамиша «офтоби маърифат порлаши» лозимлиги таъкидланади. «Маърифатли бўлиш» хусусиятлари нафси тийиш (ахлоқ қоидалари ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларни сингдириш), ориф бўлиш (шахс онгига илмий билим, таълим-тарбияни такомиллаштириш), ўзликни англаш (миллий мерос ва умуминсоний қадриятларни ўрганиш) сифатида белгиланади.

«Мантиқ ут-тайр»да маърифат борасида сўз юритилиб, инсон ҳаётини сувга чўкиб, қалқиб бораётган гўдакка ўхшатилади, илм-у маърифатни эса сувга ўзини отиб боласини қутқараётган, ўзининг ҳаётини гаровга қўйиб, фарзандига нажот бахш этаётган онага ўхшатилади. Демак, маърифат инсонни жаҳолатдан, ҳатто ҳалокатдан қутқаради, маънавий ҳарорат бахш этиб, яхши хулқ ва одоб эгаси бўлишга ёрдам беради. Ушбу китобда турлитуман қушлар тилидан, савол-жавоб, ҳикоя, мақола тарзида етти водийни кезиб, парвоз қилишлари асносида маърифатнинг моҳияти таъриф этилади. Қушларнинг берган саволларига Худхуд панд-у насиҳат, ҳикмат, фазл-дониш, фазл-у ҳунар билан жавоб беради. Натижада, инсон ўзини тарбия этишда кўнгилни сийму зарга эмас, маърифатга боғлаш лозимлиги таъкидланади.

Диссертацияда бундан ташқари, илм эгаллаш йўллари, воситалари ва мазмуни изоҳланиб, «Гулистон»да илмга ва амал қилмаслик борасида илмига амал қилмаган олимни машъала кўтарган кўрга, ерни шудгорлаб уруғ сочмаган деҳқонга, болсиз асаларига ўхшаши мисоллар билан изоҳланади. Илм-у маърифат зиёсини тарқатишни қалам аҳлисиз тасаввур этиб бўлмайди. Қалам аҳли вакилларидан бири бу «дабир»лардир. Дидактик асарларда дабирлик одоби ва қонун-қоидалари ҳам етакчи ўрин эгаллайди. Дабирлар «мунший», «ёзувчи», «котиб» мазмунларини ифодалайди. «Ахлоқи Носирий»да котиблик учун билиши керак бўлган, яъни гўзал шеърлар ўқимок, ширин нақллар, мазали ривоятлар, тузли ҳикоятлар, кулгили латифалар сўзламоқни бажара олиш ва бошқа алоқадор илмлардан, адабий фанлардан илм олиш кераклиги таъкидланади.

Диссертацияда дидактик асарларда узлуксиз таълимнинг мазмуни ўзаро мантиқий изчиллик асосида боғланган ҳамда оддийдан мураккабга қараб тадрижий ривожланиб борувчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит педагогик жараён эканлиги асосланган. Бола тарбияси «уруғ ривожланишининг илк онларидан», «мутлақ она қорнидан» ва «дунёга келгандан» бошлаш, таълимни «бешиқдан» давом эттириш, гапга чечан, очиқ кўнгил, шижоатли энага (тарбиячи) танлаш, илмли, масъулиятли, талабчан,

Энг соддадил, мўмин ва яхши устоз танлаш, ўз вақтида хат-саводини чиқариш, бола қобилиятини ўстириш, уни табиатига мос ва хос касб-хунарга йўналтириш, керакли меҳнат фаолияти билан шуғулланиш лозимлиги, бола шахсининг шаклланиши, такомил ва ривожланишида таълим ва тарбияни оддийдан мураккабга, умумийдан хусусийга томон ташкил қилиш, болага таъсир қиладиган ижтимоий муҳитдан ҳамиша огоҳ туриш ва тоза сақлаш, боланинг таом тановулини тартиблаш, ўсмир ва ўспириннинг психологик ўзгариши ва характер-хусусиятидан келиб чиққан ҳолда таълимни ташкил қилиш орқали очиб берилган. Қуйида дидактик асарлар мазмунида ифодаланган таълим ва тарбия методлари таснифи келтирилган. (4 - ва 5-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Таълим методлари таснифи

№	Метод	Мазмун	Таснифи
1	усули «Имло»	Тингламоқ, ёзмоқ, эшитганини қайтармоқ	Ўқиганларни тадрижий такрорлаш, ёд олиш ва ёзиб олиш.
2	амри маъруф, ҳукму таклиф	Аввал «ражаз» сўнгра «қасида» ўқитиш;	Сўз, ҳикматли каломлар, тарбиявий шеърлар ёд олмоқ, ўрганмоқ
3	усули «Тадрис» («шарҳ», «изоҳ», «мунозара») усули	Сўнгни мақсадни аниқ маълум қилмоқ ва сўзни зийнат билан айтмоқ. Бағоят қисқа ва бағоят узун сўз айтмаслик, беъмани сўз демаслик.	муҳокама, баҳс ва мунозара орқали таълим мазмунини англаш; тафсир (шарҳ), ташбеҳ (ўхшатиш), тадбири маъно (маънони идрок этиш).
4	усули «Фикҳ»	сўзни урф-одатдан бошлаш ва урф-одатни киёслаш, сабаб ва оқибат билан изоҳлаш.	аломатига қараб сабабини топиш; сабабини келтириб моҳиятни очиш.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш мумкинки, бугунги кун узлуксиз таълим тараққиёти ўрта асрларда яратилган дидактик асарларда баён қилинган, узлуксиз таълим ва тарбия мазмунидан озуқа олган ва бир қатор педагогик фаолиятлар моҳиятини бойитишга хизмат қилади.

5-жадвал


Тарбия методлари таснифи

№	Метод	Мазмун	Таснифи
1	Фазл-у ҳунар	ибрат, намуна, амалий иш ҳаракат, тажриба, касб-хунар	ёмон одатларга, ёмон амалларга нафрат уйғотиш, зиддини мисол келтириб, моҳиятини очиб бериш, маслаҳат бериш, узр сўраш, ўрناق кўрсатиш, ибрат олиш

№	Метод	Мазмун	Таснифи
2	Фазл-у дониш	панд-у насихат, ҳикмат, ўғит	моҳиятини тушунтириш, ўргатиш-одатлантириш, машқ қилдириш; шогирдларга моҳиятни, яъни ўз-ўзини англашни ўргатиш; таъсир кучига эга бўлган сўзларни ишлатиб, тингловчиларни ҳайратлантириш; шогирдга ҳаётий ҳикоятлардан мисоллар келтириш ва рамзийликка таяниш
3	Рағбатлантириш	Тақдирлаш, таърифлаш, улуғлаш, мартабасини кўтариш	Подшоҳ ва унинг аъёнлари, устоз ва ота-оналар томонидан амалга оширилган
4	Жазолаш	Танбеҳ, сукут, айрим ҳоллардагина оғир жазолаш	Подшоҳ ва унинг аъёнлари, устоз ва ота-оналар томонидан амалга оширилган
5	Талаб	Сўраш, тинглаш, таққослаш, ажратиш, хулосалаш, бирлаштириш	Ақл-фаросатига фикр бермоқ, мушоҳада натижасида уни табиатида қайси санъатга ва илмга кўп майл борлигини муайянлаштирмоқ, сўнгра эса шу иш билан ҳам машғул эттирмоқ. Талаб ҳамиша икки томонламадир.

Диссертациянинг «Марказий Осиёда XII аср охири – XIV асрнинг биринчи ярмида яратилган дидактик асарларда таълим-тарбия концепцияси» деб номланган тўртинчи бобида дидактик асарларда маърифатли ва маънавиятли шахсни тарбиялаш мазмуни ва моҳияти очиб берилган.

Дидактик асарлар маърифатни такомиллаштириш воситаси бўлиб, инсонпарварликнинг парадигмаси сифатида бутун дунё маърифатига хизмат қилади ва жамият тараққиёти ва унинг равнақи учун «замоннинг янги кишиси»ни тарбиялаш мақсади етакчи ўрин эгаллайди. Ушбу асарларда инсоннинг вазифаси – узлуксиз маърифатга интилиш, қалбни маърифат нури билан тўлдириш, илм топиб, мусаффолик сари интилиш каби белгиланган. Алломалар ижодида маърифат мазмуни комил инсонни тарбиялашнинг юксак даражаси сифатида намоён бўлади ва бу бугунги кун маърифатини ҳосил қилишда ўз моҳиятини йўқотмаган. Қуйида маърифатли шахсни тарбиялаш мазмуни келтирилган. (1-расмга қаранг).



1-расм: Маърифатли шахсни тарбиялаш мазмуни

Шарқ алломаларининг аксариятида маърифатни ҳосил қилиш йўлидаги таълимотларнинг турли талқинини кузатиш мумкин. Жумладан, дарвешлик,

таркидунёчилик, меҳнат қилиш, илм излаш, тариқат йўли, санъатнинг аксарият турлари ва кўпинча донишмандлик кабиларни мисол қилиш мумкин. Дидактик асарлар таҳлили шуни кўрсатадики, маърифат борасидаги қарашлар Фаридуддин Аттор ва Носириддин Тусий асарларида етакчилик қилади. «Ахлоқи Носирий»да инсон «умрнинг жуда илк чоғларидан ота-она тарбияси», «сўнгра қоида-қонунлар», «энг сўнгида ахлоқ ва ақиданинг софлаштириши натижасида» маърифатга етишга эҳтиёжи борлиги кўрсатилган. Аттор, Тусий, Румий, Шабустарий каби олимлар ўз асарларида маърифатли бўлиш фазилатларини ақли расолик, жамил (гўзал) хулқлик, нури роҳи мустақим (тўғри йўл равшанлиги), юксак манзилга етиш, мусаффолик, поклик нурининг бўлиши кабилар билан белгилайдилар.

Дидактик асарларда маънавиятли шахсни тарбиялашда маънавий эҳтиёж, маънавий завқ, маънавий қувват ва маънавий вужудга эришиш моҳияти тасвирланган ҳамда инсоннинг маънавий эҳтиёжлари, маънавий қувватлари, камоли, фазилатининг шарофати – фикр, ақл, шуур ва ирода воситаси билан таъминланиб ва идора этилиши таъкидланган. Маънавий тарбия мазмуни аксарият ҳолларда ахлоқий тарбия билан биргаликда ёритилган. Мутафаккирларнинг маънавий тарбияга оид қарашлари шахснинг маънавий-ахлоқий шаклланганлик даражаси, ўзликни англаш каби сифатларнинг шаклланишига хизмат қилади. Инсоннинг ахлоқий қиёфаси кўзларнинг яхши нарсаларни кўришга, қулоқларнинг ҳикматли сўзларни тинглашга қаратиши, нутқини ширин сўз ва маъно билан тўлдириши, қўл ва оёқлар орқали яхши амалларни бажаришида бўлса, маънавий қиёфаси иймон-этиқод, бағрикенглик, ирода, покиза қалб ва виждонли бўлишида эканлиги тасвирланади. Кўз, қулоқ, тил, қўл ва оёқларни соф сақлаш инсон қалбининг тозалигидан далолат беради ва инсонда маънавий-ахлоқий қиёфа намоён бўлади.

Дидактик асарлар марказида ўзлигини англаган комил инсонни тарбиялаш масаласи туради ва комил инсонга тегишли сифат, хислат ва даражалар таснифи баён этилади. Азизиддин Насафийнинг «Комил инсон» китобида комил инсон шариат, тариқат ва ҳақиқатни тўлиқ эгаллаган бўлиши, у шундай инсон бўлиши керакки, унда тўрт сифат эзгу сўз, эзгу амал (феъл), эзгу ахлоқ ва маориф камолга етган бўлиши кераклиги таъкидланган. Бугунги кун комил инсон гуруҳига оқил, доно, камтар, олижаноб, ҳақиқатпарвар, фидойи зотларни киритиш мумкин. Комил инсонда ақл оддий сўз ва тушунчалардан эмас, балки диёнат, адолат, иймон, виждон, ишқ, дард каби фазилатлар мужассамидан ташкил топган бўлади.

Дидактик асарларда етук, комил инсон маънавиятидаги саховат, софлик, эзгулик, мурувват, ҳаё, адаб, андиша, камтарлик, қаноат, садоқат, ростгўйлик, адолат, бағрикенглик, инсоф сингари фазилатлар таърифланиб, руҳий баркамоллик йўллари кўрсатилган. Комил инсон ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида комил инсоннинг моҳияти, аввало, жамиятни баркамол қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар билан баҳоланади. Жамиятнинг хусусияти комил инсонни тарбиялаш борасидаги имкониятларда, унга бўлган эркинлик, мустақиллик каби муносабатда намоён бўлади ва комил инсон шаклланиши, ривожланиши ва тараққиёти учун тегишли шарт-шароит яратади. Қуйида

маънавиятли шахсни тарбиялаш моҳияти келтирилган. (2-расмга қаранг).



2-расм: Маънавиятли шахсни тарбиялаш моҳияти

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқот асосида қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинган:

1. XII аср охири XIV асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёда давлатчилик ва ундаги ижтимоий, иқтисодий маданий тараққиёт, таълим-тарбия жараёни ва ундаги мактаб, хонақоҳ, мадрасаларда таълимнинг ташкил этилиши, босқичлари, мазмуни ўрганилди ҳамда баён этилган фикр, мулоҳаза, келтирилган маълумотлар педагогика тарихи мазмунини бойитишдаги аҳамияти асосланди.

2. Дидактик асарларда маънавий-маърифий қарашларни ўрганишнинг методологик асоси сифатида хориж, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва республикамизда амалга оширилган илмий тадқиқотлар ишлари ҳамда педагогика тарихи мазмунини очиб берувчи ўқув адабиётлар таҳлил қилинди ҳамда маънавий-маърифий қарашлар муҳим педагогик ҳодиса эканлиги, дидактик асарлар таркиби ахлоқ-одобга оид халқ оғзаки ижоди, диний манбалардан келтирилган намуналардан ташкил топганлиги, унинг тузилишида халқ ҳажвлари, латифа, ҳикоят ва ривоятлар етакчилик қилиб, инсон камолотига хизмат қилиши асосланди.

3. «Мантиқ ут-тайр», «Асрорнома», «Илоҳийнома», «Панднома», «Булбулнома», «Уштурнома», «Гулистон», «Бўстон», «Маснавийи маънавий», «Ахлоқи Носирӣ», «Комил инсон», «Қиссаси Рабғузӣ», «Гулшани роз», «Тўтинома» каби дидактик асарлар умумийлик ва хусусийлик жиҳатидан очиб берилди ҳамда ахлоқий-дидактик, маърифий-дидактик, фалсафий-дидактик, бадий-дидактик типда таснифланди ва уларни ўрганиш тизимини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди.

4. Ота-ўғил, она-бола ва эр-хотин каби оилавий муносабатларнинг шахс маънавий юксалишидаги ўрни ота-онанинг бола тарбиясидаги роли, ота – меҳрибон бошлиқ, раҳнамо, оилага ва эл-юртга бошчилик қилувчи, ёши ёки мансаби улуғ зот, она – камтаринлик, камсуқумлик, меъёр, мезон, шукр, меҳрибонлик, ҳимоя, тарбия, оқибат рамзи, фарзанди рафторидан огоҳ инсон, оила мустаҳкамлигини сақлашда эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги, лаёқати орқали асосланган.

5. Устоз-шогирд, дўстлик, шоҳ ва аъёнлар, шоҳ ва халқ каби ижтимоий муносабатларнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти устоз ва шогирд муносабатида ўзаро ишончининг мустаҳкам бўлиши, бир-бирини англаш лозимлиги, дўстликнинг ҳамкор, ҳамжиҳат, вафодорлик, садоқатлик шартлари, шоҳларнинг юксак инсоний сифатларга эга бўлиши каби сифатлар орқали асосланган ҳамда ҳозирги давр учун долзарблиги очиб берилди.

6. XII аср охири XIV асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиё сўфийлик мактаблари, оқимлари ва тариқатлари «Кубравия», «Хожагон» асосчилари ва намояндалари томонидан яратилган солиқ амаллари ва комил инсон тимсоли, сифатлари тасвирланган «Орифнома», «Ал-инсон ал-комил», сўфиёна истилоҳлар билан фикр юритадиган «Гулшани роз» ҳамда пайғамбарлар

ҳаётига доир «Қиссаси Рабғузӣ» каби маърифий асарларда камтарлик, тавозеъ ва такаббурлик, эрк ва адолат, яхшилик мавзулари таҳлил қилинди.

7. Ақли расолик, гўзал хулқ, тўғри йўл равшанлиги, юксак манзилга етиш каби фазилатлар ва нафси тийиш (ахлоқ қоидалари ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларни сингдириш), ориф бўлиш (шахс онгига илмий билим, таълим-тарбияни такомиллаштириш), ўзликни англаш (миллий мерос ва умуминсоний қадриятларни ўрганиш) каби хусусиятлар орқали маърифатли бўлиш ҳамда илм ва амал бирлиги орқали камолга етишга асосланган илм эгаллаш йўллари таҳлил қилиниб, бугунги кундаги аҳамияти очиб берилди.

8. Тарбиянинг ҳомиладорлик давридан бошланиб вояга етгунга қадар давом этиши, бола шахсини индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим-тарбияни ташкил қилиш, метод ва воситаларини тўғри танлаш лозимлиги ҳамда узлуксиз таълимни ўзаро мантиқий изчиллик асосида оддийдан мураккабга қараб тадрижий ривожланиб борувчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит педагогик жараён эканлиги асосланди.

9. Маърифат тушунчаси, мақсад, вазифа ва категориялари, маърифат ҳосил қилиш даражалари, босқичлари, йўллари, маърифатли шахс сифатлари, хислатлари, фазилат ва хусусиятлари, саодатга эришишнинг ҳикмат, шижоат, ифбат ва адолат каби таркиби, илмий-амалий қувватини ифодалаган инсоннинг маърифий комиллиги асосида маърифатли шахсни тарбиялаш мазмуни жамиятнинг маърифий ривожини билан ҳамроҳанг эканлиги педагогик жиҳатдан таснифланди.

10. Маънавиятли шахсни тарбиялаш моҳияти маънавий-ахлоқий тарбия асосида юксак маънавиятга эришиш мақсади, маънавий эҳтиёж, завқ ва қувват, шахснинг шаклланиши ва тузилиши, маънавий-ахлоқий тарбиянинг мезонлари, ўзлигини эзгу сўз, эзгу иш, эзгу ахлоқ ва маориф орқали англаган шахс, комил инсон сифатида таснифланди.

Тадқиқот натижалари асосида амалиётга жорий этишга қаратилган қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган:

1. Дидактик асарлар тўғрисидаги билимларни такомиллаштириш, уларни ўрганиш, тарғиб қилиш, ўргатиш орқали миллий тарбиявий мероснинг авлоддан-авлодга ўтиб боришини таъминлашда фойдаланиш.

2. Оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида дидактик асарларнинг маънавий-маърифий хусусиятларини ҳар томонлама очиб беришга қаратилган интернет веб-сайтлари, мобил иловаларини яратиш ва маҳаллаларда «Оила умуминсоний ва миллий қадриятлар занжири» номли тарғибот тадбирларини ташкил этиш.

3. Олий таълим муассасаларининг таълим йўналишлари ва мутахассиликлари ўқув режасида киритилган ижтимоий фанларнинг методик таъминотини амалга ошириш мақсадида «Таълим ва тарбиянинг методологик асослари» номли монография, рисоалар чоп қилиш, дидактик асарларнинг

педагогик таҳлиliga доир материалларни янги таҳрирда нашр этириладиган «Ўзбек педагогикаси антологияси»га киритиш;

4. Талаба-ёшларнинг мустақил билим олишларини ташкил этиш, маънавий-маърифий дунёқараш ва тафаккурини такомиллаштириш мақсадида Шарқ мутафаккирларининг баркамол шахс тарбияси ҳақидаги ғояларни ўрганишга қаратилган илмий-амалий семинар, педагогик симпозиум, конференциялар, «Педагогик тарихий тафаккур ёшлар нигоҳида» номли тарбиявий тадбир ҳамда тренингларни ташкил этиш;

5. Педагогик таълим йўналишлари кесимида китобхонлик ва мутолаа кўникмаларини ривожлантириш мақсадида Шарқ мутафаккирлари томонидан яратилган дидактик асарлар рўйхатини шакллантириш ҳамда асарларда ифодаланган маснавий, ҳикоят, ривоят, масал, ҳикматли сўзларни тематик тартибида жамлаб тўплам мажмуини яратиш;

6. Аҳолининг турли қатлами учун XII аср охири XIV асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёда яшаб ижод қилган мутафаккирлар томонидан яратилган дидактик асарлар мазмунида ифодаланган шахс тарбияси ва унинг камолоти борасида телекўрсатувлар, ижтимоий тармоқларда «Устоз ва шогирд мактаби», «Элга хизмат – олий ҳиммат» рукнида педагогик челленжларни ташкил қилиш, мультимедия маҳсулотлари ҳамда дидактик материаллар туркумини яратиш.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ЗА №PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ИЗБУЛЛАЕВА ГУЛЧЕХРА ВАЛЕРИЕВНА

**РАЗВИТИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ МЫСЛИ В КОНЦЕ XII ВЕКА –
ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЕ XIV ВЕКА В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ
(на примере дидактических произведений)**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора педагогических наук (DSc)**

Бухара – 2022

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована за №B2022.1.DSc/Ped273
Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.
Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском
(резюме)) на веб-странице Научного совета по адресу (www.buxdu.uz) и на Информационно-
образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный консультант: **Каххаров Сиддик Каххарович**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Олимов Ширинбой Шаропович**
доктор педагогических наук, профессор

Ибраимов Холбой Ибрагимович
доктор педагогических наук, профессор

Наврузова Гулчехра Нейматовна
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация: **Джизакский государственный
педагогический университет**

Защита диссертации состоится « 26 » декабрь 2022 г. в « 10⁰⁰ » часов на
заседании разового Научного совета PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 по присуждению ученых
степеней Бухарском государственном университете (адрес: 200114, город Бухара, улица М. Икбол,
дом №11. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского
государственного университета (зарегистрирована за № 1294). (Адрес: 200114, город Бухара,
улица М. Икбол, дом №11. Тел.: (65) 221-25-87).

Автореферат диссертации разослан « 15 » декабрь 2022 года.
(протокол реестра за № _____ « _____ » _____ 2022 года.)

**Б.Р.Адизов**
председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.п.н., проф.

А.Р.Жураев
секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.п.н. (PhD), доц.

Х.О.Жураев
председатель научного семинара
при Научном совете
по присуждению ученых степеней,
д.п.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня в научно-техническом развивающемся веке находят свое решение актуальные вопросы глобального значения современной социальной среды на основе высоких духовных ценностей. Для передовых стран мира с каждым днем ведущее место занимает координация существующего духовно-просветительского потенциала, обусловленного огромным научным наследием и взаимодополняющими возможностями образования и воспитания. Всестороннее углубленное изучение научных исследований, направленных на раскрытие богатой культуры и древней истории, многих до сих пор неизведанных пластов духовного и национального наследия, и особое внимание к их пропаганде приобретают актуальность и сегодня.

В мировой науке проводятся проекты, научные исследования, основанные на изучение ценных источников, которые созданы просветителями Центральной Азии. Многочисленные источники образовательно-воспитательного содержания находятся в списке культурного наследия ЮНЕСКО, а также, множество дидактических произведений в форме рукописей хранятся в «Золотом фонде» библиотек зарубежных стран, таких как Россия, Германия, Франция, Великобритания, Испания, Египет, Индия, Иран и Турция. Несмотря на это, вклад в развитие современной мировой цивилизации, народами Центральной Азии до сих пор не изучено в полном объеме, и возрастает необходимость оценивания нераскрытых аспектов бесценного духовного наследия для мирового сообщества.

В период установления основной цели, как создание фундамента для нового периода возрождения, то есть для третьего Ренессанса, осуществление и этих задач для нашего общества важно. Так как «уникальное и неповторимое научно-духовное наследие наших великих предков должно стать для нас жизненной программой в постоянном движении... Прежде всего, мы должны наполнять национальную систему образования таким духом»¹. Данный подход является практической программой достижения образовательной системы высоких вершин. В контексте Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы одной из важнейших задач определена реализация концепции «Новый Узбекистан – просвещенное общество» и государственная поддержка сохранения, популяризации и развития национальных ценностей и духовного наследия узбекского народа. Для этого организация воспитания мнений, воспитания национальных и общечеловеческих ценностей, опора на многотысячные жизненные понятия и ценности народа, проведение научно-теоретических и комплексных исследований имеют важное значение.

Данная исследовательская работа послужит осуществлению задач, установленных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2021. –Б.225.

2995 «О мерах по совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» от 24 мая 2017 года, №ПП-3907 «О мерах по поднятию на качественно новый уровень системы духовно-нравственного и физически гармоничного воспитания молодежи, ее обучения и воспитания» от 14 августа 2018 года, №ПП-4307 «О дополнительных мерах по повышению эффективности духовно-просветительских работ» от 3 мая 2019 года, №ПП-4884 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования и воспитания» от 6 ноября 2020 года, №ПП-5040 «О мерах по коренному совершенствованию системы духовно-просветительской работы» от 26 марта 2021 года, №УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года, а также в других соответствующих нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование осуществлено согласно приоритетному направлению развития науки и технологий республики I. «Формирование системы социальных, правовых, экономических, инновационных идей информационного общества и демократического государства и пути её осуществления».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации. Научные изыскания, посвященные изучению развития педагогических мыслей в Центральной Азии (в конце XII века – первой половине XIV века), проводятся в ведущих мировых научных центрах, а также в высших образовательных учреждениях, в частности: UNRISD – United Nations Research Institute For Social Development, ISCA – The Islamic Supreme Council of America Archived, University of Maryland, Harvard University (США); Institute of Arab and Islamic studies University of Exeter, Cambridge University, The Institute for Cultural Research, The Idries Shah Foundation (Великобритания); Arabic and Islamic studies at the University of Marburg (Германия); Turkish Ministry of Culture Mevlana Museum (Турция); Cairo University (Египет); University of Tehran (Иран)².

В мире получены научные результаты различного уровня путем исследования развития педагогических мыслей в конце XII века – первой половине XIV века в Центральной Азии, в том числе, научно обоснованы взгляды центра «Изучение и развитие восточной философии и культуры» (Institute for Cultural Research); Персидского литературоведения и культуры по воспитание активного гражданина, путем изучения актуальных аспектов духовного наследия на сегодняшний день (ISCA – The Islamic Supreme Council of America Archived); языка, литературы и культуры разных народов,

² Комментарии зарубежных исследований по теме диссертации: <https://www.unrisd.org/>; <https://www.islamicsupremecouncil.org/>; <http://slc.umd.edu/>; <https://harvardartmuseums.org/>; <https://www.harvard.edu/>; <https://socialsciences.exeter.ac.uk/>; <https://www.divinity.cam.ac.uk/>; <https://idriesshahfoundation.org/>; <https://ora.ox.ac.uk/>; <https://www.uni-marburg.de/>; <https://www.ktb.gov.tr/>; <https://cu.edu.eg/>; <https://ut.ac.ir/> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

а также народов Центральной Азии (University of Maryland); перевода и обзора духовного наследия в Западном востоковедении школы Рейнолда Николсона и Артура Арберри (Cambridge University); налаживание, развитие мировой культуры, общечеловеческих ценностей и культурных связей под руководством Идриса Шаха, а также изучение и исследование содержания духовного наследия (University of Tehran).

В мире социально-духовными исследовательскими центрами проводятся научно-исследовательские работы в приоритетных направлениях, как воспитание сегодня социально-активного гражданина, путем изучения актуальных аспектов духовного наследия Востока; изучение языка, литературы и культуры разных народов, а также народов Центральной Азии; создание перевода и обзора духовного наследия; определение социального значения мыслей и взглядов просветителей Востока; исследование важных аспектов духовного наследия ученых Востока; изучение теоретического и практического значения духовных взглядов просветителей; уточнение направлений учения просветителей среднего века; разработка проектов по фундаментальной основе взглядов и мировоззрению просветителей Востока.

Степень изученности проблемы. Зарубежными учеными Ж.С.Тримингэм, А.Шиммельем, Идрис Шахом, А.Ж.Арберри, М.Агатехрани, С.Г.Сафави-Хомами, С.С.Сидек, О.Омэлли, Ф.Б.Джихан-Артуном исследованы вопросы о роли духовного наследия Востока в развитии сегодняшнего дня, его значению в развитии мышления человека³.

Ученые стран Содружества Независимых Государств, такие как: В.В.Бартольд, О.Ф.Акимушкин, Э.Э.Бертельс, И.П.Петрушевский, А.Д.Кныш, А.К.Арендс, А.Б.Халидов, О.Д.Чехович, Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, Р.Дениз, С.Хатиби, К.Кадыров раскрыли социальные, философские значения и дидактические возможности научно-исторических источников⁴.

³ Тримингем Дж.С. Суфийский орден в исламе. – М.: Наука. 1989 – 328 с.; Шиммель А. Мир исламского мистицизма. – М.: «Алетейя – Энигма», 1999. – 416 с.; Shah Idries. *Thinkers of the East: Studies in Experientialism*. Publisher, Cape, 1971. – 198 p.; Arberry A.J. *Classical Persian Literature*. – London, 1958. – 464 pp.; Aghatehrani Morteza. *Khajjah Nasir Al-Din Tusi on the Meta-Mysticism of Ibn Sina* (PhD) Dissertation, State University of New York at Binghamton, 2000. – 186 pp.; Safavi-Homami, Seyed Ghahreman *Love the whole and not the part': An investigation of the rhetorical structure of Book One of the «Mathnawi» of Jalal al-Din Rumi*. Thesis submitted for the Degree of Doctor of Philosophy of the University of London. Department of the Study of Religions School of Oriental and African Studies, 2003. – 200p.; Sidek, Suzana Suhailawaty Md. *The concept of generosity in Rumi`s Mathnawi: an analysis*. A thesis submitted in fulfillment of the requirement for the degree Doctor of Philosophy (Islamic and Other Civilizations). International Institute of Islamic Thought and Civilization, International Islamic University Malaysia, Kuala Lumpur: 2015. – 224 pp.; O'Malley, Austin M. *Poetry and pedagogy: The Homiletic Verse of Farid al-din 'Atfâr*. A dissertation submitted to the faculty of the division of the Humanities in candidacy for the degree of doctor of philosophy. Department of Near Eastern languages and civilizations. Chicago, Illinois march, 2017. – 331 pp.; Cihan-Artun, Fatma Betul., «Rumi, the Poet of Universal Love: The Politics of Rumi's Appropriation in the West» Submitted to the Graduate School of the University of Massachusetts Amherst in partial fulfillment of the requirements for the degree of doctor of philosophy, Doctoral Dissertations. 2016. – 243 pp.

⁴ Бартольд, В.В. Сочинения в 9 тт. – Том 1. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Монография, – Москва: Восточная литература, 1963.– 763 с.; Акимушкин О.Ф. «Тути-наме» и предшественник Нахшаби (к вопросу индо-иранских культурных связей) // Письменные памятники Востока 1976-1977. М.: «Наука», 1984. С. 4-21.; Бертельс, Е.Э. История персидско-таджикской литературы / Избранные труды. – М.: Наука.

Учеными республики: А.Ирисовым, А.Носировым, И.Низомиддиновым, Ш.М.Шомухамедовым, М.Хайруллаевым, Н.Комиловым, Г.Н.Наврұзовой, И.Хаккуловым, А.Чориевым, Х.Хомиди, А.Саидовым, К.Хошимовым, С.Очиловым, С.Нишоновой, С.Хасановым, М.С.Салаевой изучены социальные, духовные, просветительские и педагогические мысли на основе первоначальных источников и исследованы научно-практические возможности⁵.

Результаты анализов показали, что совершенствование основ изучения, обобщения, систематизации и системного анализирования педагогических возможностей на основе дидактических произведений в современных условиях имеют важное значение.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Исследовательская работа выполнена в рамках направления «Научно-педагогические основы использования наследия предков в воспитании духовно-нравственного гармоничного поколения» согласно плану научно-исследовательских работ Бухарского государственного университета.

Цель исследования состоит из усовершенствования образовательно-воспитательной системы на основе духовно-просветительских взглядов дидактических произведений, созданной в конце XII века – первой половине XIV века в Центральной Азии.

Задачи исследования:

исследование социальной жизни и образовательно-воспитательных процессов в Центральной Азии конца XII века – первой половине XIV века;

анализ с точки зрения педагогики методологических основ, общих и своеобразных особенностей изучения духовно-просветительских взглядов,

